



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 11 июнь, № 118 (9289)

Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИ ИХТИСОСЛАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ривожлантириш, олис ва чекка туманларда аҳоли турмуш даражасини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил декабрь ойида Самарқанд вилоятига ташрифидан сўнг ҳудудни 2026 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланиб, бунга қўшимча 100 миллион доллар маблағ ажратилган эди. Шу йил март ойида Нарпай туманига тартиф давомида эса вилоятнинг олис ва чекка ҳудудларини алоҳида ёндашув асосида ривожлантириш бўйича топшириқ берилган.

Йиғилишда ушбу топшириқлар ижроси Булунгур, Нарпай, Оқдарё, Пахтачи, Қўшработ, Каттақўрғон ту-

манлари ва Каттақўрғон шаҳри мисолида кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, чекка ҳудудларда аҳоли кўп бўлса-да, юқори даромадли иш ўринлари етарли эмас. Нарпай, Қўшработ, Пахтачи, Каттақўрғон туманлари ва Каттақўрғон шаҳрининг вилоят саноатидаги умумий улуши атиги 10 фоизни ташкил қилади. Нарпай, Пахтачи, Пастдарғом туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрида ишсизлик ва камбағаллик даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан юқори. Шу боис мазкур ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, уларни

аниқ ихтисослашув асосида ривожлантириш тақлиф этилди. Хусусан, Булунгур, Қўшработ, Пахтачи ва Каттақўрғон туманлари қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва боғдорчилик маркази сифатида ривожлантирилади. Булунгурда йиллик қуввати 100 минг бош бўлган 50 миллион долларлик наслчилик корхонаси, Қўшработ ва Оқдарёда йиллик қуввати 800 минг дона бўлган 20 миллион долларлик насли жўжа корхоналарини ишга тушириш режалаштирилган.

Нарпай тумани ва Каттақўрғон шаҳри саноат ва хизмат кўрсатиш

соҳаларининг “ўшиш нуқтаси”га айлантирилади. Жумладан, Нарпайда 100 гектар майдонда саноат зонаси ташкил этилиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 500 миллион долларлик лойиҳалар жойлаштирилади. Бу жараёнга Япониянинг 10 та йирик компаниясини жалб этиш кўзда тутилган.

Оқдарё тумани паррандачилик, тўқимачилик ва қайта ишлаш саноатида ихтисослаштирилган ҳудуд сифатида ривожлантирилади.

Йиғилишда Нарпай, Пахтачи, Пастдарғом туманлари ва Каттақўр-

ғон шаҳрида ишсизлик даражасини 3 фоизгача, камбағалликни 2 фоизгача тушириш, Иштихон, Нарпай, Нуробод, Пахтачи, Қўшработ ва Каттақўрғон туманларида экспортни 20 фоизга ошириш, шунингдек, Булунгур, Нарпай, Нуробод, Пайариқ, Пахтачи, Қўшработ, Каттақўрғон туманлари ва Каттақўрғон шаҳрида хизматлар ҳамда саноат ҳажмини 2 қарра кўпайтириш бўйича лойиҳалар тақдимот қилинди. Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



## ЎЗАРО ИШОНЧ ВА КОНСТРУКТИВ ҲАМКОРЛИК

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева Женева шаҳрида бўлиб ўтаётган Халқаро меҳнат конференциясининг 114-сессияси доирасида Халқаро меҳнат ташкилотининг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

### Учрашув

Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Жильбер Унго билан учрашувда Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари, шунингдек, муносиб меҳнат, ижтимоий адолат таъминини янада кенгайтириш бўйича аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустақамлаш масалалари борасида сўз борди.

Жильбер Унго Ўзбекистон делегациясининг Халқаро меҳнат конференциясининг 114-сессиясидаги фаол иштирокини ҳамда мамлакатимизда меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар натижаларини юксак баҳолади.

Сўбат чоғида Ўзбекистонда “Better Work” дастурини амалга ошириш натижалари эътироф этилди ҳамда етакчи халқаро брендлар ва инвесторлар учун мамлакатнинг жозибадорлигини кучайтиришга қаратилган мазкур ташаббуслар доирасида ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## САВДОДАГИ ҲИМОЯ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш бўйича комиссияси томонидан “Савдодаги ҳимоя чоралари бўйича миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқ такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, мутасадди давлат органлари, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.

Таъкидланганидек, ЖСТ аъзолари томонидан Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ жадвал ислохотлар амалга оширилаётгани эътироф этилмоқда. Бугунги кунда Қонунчилик палатасида Қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти билан музокара-ларда салмоқли натижаларга эришилаётганини айтди.



## ШАҲАРСОЗЛИК ВА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА ЯНГИ ТИЗИМ

**Президент Шавкат Мирзиёев урбанизация ва шаҳарсозлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самардорлигини ошириш юзасидан тақдимот билан танишди.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда шаҳар аҳолиси улуши 50 фоиздан ошди ва келгуси йилларда мазкур кўрсаткич яна ўсиши кутилмоқда. Аҳоли сони ва қурилиш суръатлари ортиб бораётгани шаҳарсозлик режаларини замонавий талаблар асосида ишлаб чиқиш, яшил ҳудудларни сақлаш, тарихий-маданий меросни муҳофаза қилиш, муҳандислик ва транспорт инфратузилмасини уйғун ривожлантиришни тобора долзарб қилиб қўймоқда.

Бугунги кунда республикадаги 8 минг 604 та аҳоли пунктдан 2 минг 506 таси ёки 29 фоизи бош режалар билан қамраб олинган. 2026 йилга яна 154 та, 2027 йилга эса 144 та аҳоли пункти учун бош режалар ишлаб чиқишни режалаштирилган. Мажмуд бош режаларнинг 1 минг 44 таси электрон шаклга ўтказилган.

Шу билан бирга, алоҳида ҳудудларни ривожлантириш бўйича 2024-2025 йилларда

275 та мастер-режа ишлаб чиқилган бўлса-да, уларнинг ягона ҳисоби юритилмаган, бош режалар билан ўзаро боғланмаган. Бу эса ҳудудларни комплекс ривожлантириш, инфратузилма, транспорт, муҳандислик тармоқлари ва ижтимоий объектларни уйғун режалаштиришда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шу муносабат билан бош режа ва мастер-режалар билан ишлашнинг янги тизими тақлиф этилди. Унга кўра, биринчи босқичда бош режалар бўйича маълумотлар тўлиқ жамланади ва актуаллаштирилади, иккинчи босқичда рақамлаштириш ишлари амалга оширилади, учинчи босқичда мониторинг тизими йўлга қўйилади, тўртинчи босқичда эса комплекс ахборот-таҳлил тизими шакллантирилади.

Бу жараёнда шаҳарсозлик ҳужжатларининг ягона электрон реестри юритилади. Рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмаслиги белгиланади.



## ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

**Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг фаолияти натижалари ва уни янада ривожлантириш режалари юзасидан тақдимот билан танишди.**

Мамлакатимизда миллий ўзликни анг-лаш, бой тарихий-маънавий меросимизни чуқур ўрганиш, улуғ алломаларимиз илмий меросини халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази эса аини шу йўналишда миллий ва халқаро аҳамиятга эга замонавий маданий-маърифий платформа сифатида шаклланмоқда.

Тақдимотда ўтган даврда марказ томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Марказ жорий йилнинг 17 март куни мухташам бинода расман иш бошлади. 1 июнь ҳолатига кўра, марказга ярим миллион нафар маҳаллий ва хорижий ташриф буюрувчилар келган. Кунлик ташрифлар сони ўртача 6 минг нафарни ташкил этмоқда. Шу даврда муассасага 150 дан ортиқ хорижий делегациялар ва 2 минг

нафардан зиёд хорижий меҳмонлар ташриф буюрган.

Махмуз таркибида Болалар музейи ташкил этилди, Имом Бухорий инновацион музейининг фаолияти йўлга қўйилди. Бинода Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази жойлаштирилди. Гид-экскурсоводлар ва назоратчилар хизмати ташкил қилинди.

Илмий ва инновацион йўналишда 810 та лойиҳа амалга оширилди. Бу ишларда 2 мингга яқин маҳаллий ва хорижий олимлар иштирок этди.

Марказда конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, маҳорат дарслари ва китоб тақдимотлари ташкил этиб келинмоқда. Ушбу тадбирларга бугунга қадар 5 мингдан зиёд иштирокчилар жалб этилди.

Маданий меросни қайтариш ва фондларни бойитиш йўналишида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жами 1 мингдан зиёд артефактлар Ўзбекистонга қайтарилди.



## ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ШЕРИКЛИК

**Ўзбекистон — Россия муносабатларида янги саноат даври бошланди**

Давлатимиз раҳбарининг яқинда бўлиб ўтган Россия Федерациясига амалий ташрифи нафақат икки томонлама муносабатларда, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг геоиқтисодий манзарасида янги даврни бошлаб берди, десак, муволажа эмас. Ўтказилган олий даражадаги учрашувлар, мамлакатимизда илк бор кичик қувватли атом электр станцияси реактори қурилишининг бошланишига бағишланган маросим ҳамда 29-Петербургда халқаро иқтисодий форумдаги иштирок ушбу воқеликнинг кўламини кўрсатиб турибди.

### Таҳлил

Россия Федерацияси — минтақадаги вақт синовидан ўтган, тарихий ришталар ҳамда умумий манфатлар билан боғланган стратегик шерик ва иттифоқчи давлатлардан бири. Бугунги кунда ўзаро муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга — кўп даражали ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик даврига қадам қўйди. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий алоқалар эволюциясини кузатсак, муҳим бир трансформациянинг гувоҳи бўламиз. Давлатларимиз маҳсулотларнинг оддий савдосотиғидан мураккаб саноат занжирларини яратиш, технологик альянслар тузиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш босқичига ўтди. Рақамлар ҳам бунга яққол тасдиқлайди. Сўнгги ўн йил ичида ўзаро товар айланмаси 3 баробардан зиёд ўсиб, 4 млрд. доллардан 13 млрд. долларга етди. Бугунги кунда Россия билан ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг умумий портфели 50 млрд. доллардан

ортиб кетгани мамлакатларимизнинг ўзаро юксак ишончидан далолат беради.

Муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳамкорлик фақат пойтахтлар билан чекланиб қолмай, ҳудудлар кесимида ҳам изчил кенгаймоқда. Айни пайтда Москва ҳамда Санкт-Петербург шаҳарлари, Татаристон ва Бошқирдистон Республикалари, Красноярск ва Пермь ўлкалари каби Россиянинг етакчи ҳудудлари Ўзбекистон вилоятлари билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйган. Ҳудудларро лойиҳалар ҳажми 5 млрд. долларни ташкил этади ва яна шунча миқдордаги инвестиция пакети тайёрланмоқда. Мазкур лойиҳалар энергетика, кимё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ҳамда тўқимачилик каби ҳаётий муҳим соҳаларни қамраб олади. Хусусан, Ўзбекистоннинг бешта ҳудудида ташкил этилган қўшма саноат парклари ва Тошкентдаги вагонсозлик кластери ишлаб чиқариш кооперацияси шерикликнинг энг муваффақиятли намуналари ҳисобланади.



## АДАБИЁТ БЎСТОНИДА САРРИН САБОЛАР

Президентимизнинг “Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида”ги тарихий Фармони мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ортга қайтмас ислохотларнинг тадрижий давоми ва юксалиши дея фахр билан жўшиб-жўшиб айтгинг келади. Мазкур кенг кўламли чора-тадбирларнинг ҳар бир бандини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича долзарб вазифалар кун тартибига қўйилган.

### Муносабат

Эътироф этиш жоизки, мазкур ҳужжат том маънода мамлакатимиз маънавий ва адабий оламини — зиёлилар, маданият ва санъат аҳли, хусусан, ёзувчи ва шоирлар, ёш ижодкорлари устоз адилларимиз қалбини ҳаяжонга солди, уйғотди, ҳушёр тортирди. Қалам аҳли мамлакат эгасининг адабиётга кўрсатётган юксак эътироби, олий даражали ғамжўрлиги ва хайрихоҳлигига яна бир қарра қўйил қолди. Ҳайрат ва завқу шавқ ичра ишонч билан ҳаётга боқди, оламга назар солди. Оламда эса алғов-далғов гаплар,

ҳарбу зарблар, таҳдидлар, низолар ва довланувлар. Бизнинг онажон дёири-мизда маданият, санъат ва адабиёт янада гуркураб ривож топаётир, китобхонлик миллий ҳаракати катта йўлга чиққан улуғ қарвондек келажакнинг порлоқ манзиллари сари ишонч билан олға интилаётир. Бир ёнда олам аҳлини лол қолдирган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказининг мухташам обидаси, Самарқанд Имом Бухорий ҳазратларининг тарихий ва замонавий мейморилик санъатининг юксак мезонлари асосида янгидан бунёд этилган муқаддас қадамжоларининг нури мажмуаси... Ҳақиқий маънода, чинакам

Учинчи Ренессанс замонининг устувор ва мустаҳкам иморатлари. Буларнинг барчаси ўз-ўзидан осмондан тушмаган, албатта.

Давлатимиз раҳбари зиёлилар, адабиёт ва санъат аҳли, умуман, маънавият ва маданият намояндалари билан жиддий учрашув ўтказиш нияти борлигини йил давомида катта-кичик анжуманларда қайта-қайта таъкидлаб келди. Бу мулоқот бўлишини, гурунгу юзма-юз ва очикчилиги ўтказилиши ҳақида ҳам огоҳлантириб турди. Ва ниҳоят кутилган ва ният қилинган мулоқот нафақат учрашув, балки мухташам ва муаззам фармон, сийлик ва муқофотлар билан, баъзан кескин ва танқидий руҳдаги, баъзан мактов ва эътирофлар тариздаги жўшқин монолог ва диалоглар билан амалга ошди. Президентимизнинг бундай олийҳиммат ва савоатпешалигидан, бағрикенглиги ғамжўрлиги, кескин саволларни довларб талабларидан ифтихорга тўлган юраклар, завқу ҳаяжонининг зўридан ўзини сўзини йўқотиб қўйган иштирокчилар ҳам бўлди...



## TATU талабалари — жаҳон чемпиони!



Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари Хитойда бўлиб ўтган “Huawei ICT Competition 2026 Global Final” мусобақасида тарихий натижани қайд этди.

### Хушxabар

Хусусан, “Network Track” (тармоқ технологиялари) йўналишида TATU талабаларидан иборат Ўзбекистон жамоаси барча рақибларни орта қолдириб 1-ўринни қўлга киритди ва жаҳон чемпиони бўлди. “Cloud Track” (булутли ҳисоблаш) йўналишида эса университет вакили Шукрулло Ҳафизов фахрли 3-ўринни қўлга киритди. Жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатларидан 220 минг нафардан зиёд иштирокчилар қатнашган нуфузли мусобақада талабаларимиз “Networking” йўналишида дунёнинг энг кучли жамоаси эканини исботлади. Ушбу натижа юқорида айтилган нуфузли халқаро мусобақа тарихида Ўзбекистон учун илк чемпионлик сифатида қайд этилди.

«Халқ сўзи».

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТУМАНЛАРИ ИХТИСОСЛАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Жорий йил бошидан мамлакатимизда келган хорижий туристлар сони 27,3 фоизга ошиб, 5,4 миллион нафарга етди. Ўзбекистон хорижий туристлар сони 20 миллион нафарга, туризм экспорти 10 миллиард долларга етказиб бўйча катта марра олган. Бунинг учун ҳудудларда туристларни узоқроқ ушлаб қолдирган янги йўналишлар ва сервис объектларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Шу мақсадда Самарқанднинг тарихий марказидаги 13 та кўчани пидедалар ҳудудига айлантириш, янги туризм

ва сервис объектларини барпо этиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, «Оҳалик — Окбуёро — Миронкул» туристик-рекреацион зонаси ҳудудини кенгайтириш тақлиф қилинди. Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаси қаршида оқиб ўтувчи «Шаар» коллектори атрофини ободонлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур чоралар натижасида Самарқанд шаҳри, Нуробод ва Самарқанд туманларида меҳмонхоналар сони 850 тага, номер фондиди 20 минг ўринга, туризм хизматлари ҳажми

ни 750 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Ийгиликда аҳоли яшаши учун қулай инфратузилма яратиш энг асосий вазифа экани таъкидланди. Бунинг учун ижтимоий объектлар қуриш, йўл, ичимлик суви ва каналзация тармоқлари, электр таъминоти яхшилаш, сервис ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш, саноат лойиҳаларини инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 1,2 триллион сўм ажратиш тақлифи билдирилди.

Самарқанд шахрида реновация дастури асосида «Кимёгар-

лар» кўрғонини аҳоли учун қулай кўёфага келтириш бўйича мастер-режида бир ой муддатда тасдиқлаш, Булунгур туманида қурилаётган «Янги Ўзбекистон» массиви ҳудудини кенгайтириш, йил якунига қадар Самарқанд шахрининг «Темир йўл орти» ҳудудидagi бўш турган ер ва бинолар ўрнида спорт, маданият, муслика ва санъат маканларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, вилает ҳокимлиги ҳузурда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш маъқуланди. Самарқанд

вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича иқтисод қилинган маблағлар ушбу жамғармага йўналтирилиши белгиланди.

Ийгиликда мутасаддиларнинг ахбороти тингланди. Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятининг ҳар бир туманида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадини ошириш ва ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тафовутни қисқартириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

## ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

Марказ кутубхона фонди ҳам бойитилмоқда. Ҳозирги кунда фонд таркибида 3 мингдан ортиқ нодир нашрлар мавжуд бўлиб, 762 та имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган. Фонд рақамлаштирилмоқда, электрон чиплар ўрнатилмоқда.

Муассаса фаолиятига замонавий технологиялар ва рақамли инновациялар ҳам кенг жорий этилмоқда. Меҳмонлар учун робот-гидлар харид қилинди, мультимедиа ва интерфал қурilmalar экспозицияларга жойлаштирилди.

Марказ «Дунёнинг энг йирик ислом цивилизацияси музейи» сифатида Гиннесснинг жаҳон рекордлари китоби»га киритилди.

Тақдиротда марказни янада ривожлантириш бўйича келгуси режалар ҳам кўриб чиқилди.

Авало, илмий тадқиқот ва нашр ишларини янги босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди. Марказнинг илмий журнали халқаро «Scopus» ва «Web of Science» базаларига киритиш, илмий марказларнинг ягона интеграцияланган платформасини яратиш, қўлёзмаларнинг рақамли каталогини тайёрлаш режалаштирилган.

Диний-маърифий соҳадаги магистр ва докторантлар учун «Ислому маърифати» стипендиясини жорий этиш, дунёга машҳур олим ва экспертларнинг китоблари тақдимотларини ташкил этиш режалаштирилган. Келгуси босқичда 20 минг нафар ёшлар, диний-маърифий соҳа вакиллари, жумладан, имом-хатиблар ва отинийларни марказ фаолиятига жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Маданий меросни қайтариш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Мазкур йўналишда жаҳон аукционлари, музейлар, хусусий коллекциялар ва халқаро санъат бозорларида Ўзбекистонга мансуб нодир артефактларни излаш, аниқлаш, илмий ўрганиш, экспертизадан ўтказиш, музокаралар олиб бориш ва уларни Ватанга қайтариш бўйича доимий механизм яратиш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, дунё бўйлаб Ўзбекистон маданий меросини доимий мониторинг қилиш, маданий мерос объектларининг аҳоли рақамли маълумотлар базаси ва халқаро реестрини шакллантириш, Марказий Осиёда ягона бўлган замонавий илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этиш режалаштирилган.

Бу борада Хитой, АКШ, Германия, Франция, Буюк Британия каби хорижий

мамлакатларда сақланаётган Ўзбекистон маданий меросига оид коллекциялар бўйича ҳам ишлар олиб борилади.

Медиа ва халқаро тарғибот ишларини кучайтириш режалари ҳам муҳокама қилинди.

«Ислому цивилизацияси: тинчлик, бағрикенглик ва илму-маърифат йўли» мавзюда I халқаро Ислому форумини ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, БМТнинг Нью-Йорк ва Женевадаги тузилмалари ҳамда UNESCOнинг Парижда қароргоҳида Ислому цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий илмий меросига бағишланган махсус тақдимотлар ўтказиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Марказ тақдимотларини 55 та давлатда ташкил этиш, «Ислому аёлларнинг ўрни» мавзюда халқаро конференция ва кўргазма ўтказиш, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, ICESCO, IRICA, TURKSOY ва бошқа халқаро ташкилотлар билан қўшма илмий-маърифий лойиҳаларини амалга оширишга кўрсатма берилди.

Хорижий журналистлар ва халқаро медиатузилмалар билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида пресс-турлар, халқаро медиаклублар ва медиаанжуманлар ташкил этилади. Марказ брендини глобал миқёсда мустаҳкамлаш учун фотокургазмалар, тематик тақдимотлар ҳамда хориждаги дипломатик ваколатхоналарда давра суҳбатлари ўтказилади.

Шунингдек, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасига келувчи зиёратчи ва сайёҳлар учун янада қулай шaroитлар яратиш, таширларини тартибли ва мазмунли ташкил этиш, уларга ахборот ва гид хизматларини кўрсатишни тақдимоти янада режалаштириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари тақлифларни маълумлаб, Ислому цивилизацияси маркази халқимизнинг бой маданий мероси, маърифатпарварлик аъёнлари ва Янги Ўзбекистоннинг маънавий ақолисини дунёга намоян эътидан маккан бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга марказ фаолиятини тизимли ривожлантириш, илмий-тадқиқот ва нашр ишларини кенгайтириш, маданий меросни қайтариш бўйича доимий механизм яратиш, музей фондларини бойитиш, рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда халқаро медиатарғиботни янги босқичга олиб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Ў.А.

Урбанизация марказига шаҳарсозлик геоахборот тизимини яратиш, комплекс қурилиш жараёнларида топтогодезия ишларини мувофиқлаштириш ва ҳудудий архитектура-режалаштириш кенгашиларнинг фаолиятини услубий таъминлаш каби қўшимча вазифалар юкланди.

Урбанистика, геодезия, кадастр, лойиҳалаш, агломерацияларни бошқариш ва геоахборот тизимлари билан ишлай оладиган ўрта ва олий бўғин мутахассисларига эҳтиёж ортиб бормоқда.

Шу мақсадда Ташкент геодезия ва картография техникумини Урбанистика, геодезия ва кадастр техникуми сифатида қайта ташкил этиш тақлиф қилинди. Унда ўрта бўғин учун ўлчовчи мутахассислар, кадастр ва геодезия, компьютер графикаси дизайн операторлари ҳамда компьютер кадастр дастурлари йўналишларида кадрлар тайёрланади.

Олий таълим тизиминида Ташкент архитектура-қурилиш университетинида замонавий урбанистика ва агломерацияларни бошқариш факультетини янги режалаштирилган.

Барча ҳудудларда урбанистика, лойиҳалаштириш ва архитектура йўналишларини бир жойда жамлайдиган креатив парклар ташкил этиш ҳам тақлиф қилинди. Уларда лабораториялар, конструкторлик устанолари, дастурий таъминот, лойиҳалаш хизматлари, онбордин, нетворкинг ва коворкинг майдонлари ташкил этилади. Креатив парк резидентларига жисмоний шахслар даромад солиги ва ижтимоий солиқ бўйича имтиёзлар бериш кўзда тутилмоқда. Тақдимотда шаҳарсозлик соҳасида-

ги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ноконуний ва руксатсиз қурилишлар, қурилиш муддатларининг сунъий равишда узайтирилиши, ер участкаларидан самарасиз фойдаланиш каби муаммолар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Амалдаги жарималар таъсирчан эмаслиги кўрсатиб ўтилди. 2025 йилда 1 минг 952 та ноконуний қурилиш аниқланган. Шу муносабат билан ҳуқуқбузарликлар учун молиявий санкцияларни кучайтириш тақлиф қилинди.

Улуш қиритиш асосида кўп квартирали уй-жой қурилиш соҳасидаги ҳолат ҳам тахлил қилинди. Сўнгги йилларда бундай қурилиш ҳажми 2,5 баробар кўпайиб, ўтган йил 11 миллион квадрат метрдан ошди. Қолаверса, улушли уй-жой қурилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳам кўпайган. Ўтган йилнинг ўзига 3 мингта яқин фуқароларга 668 миллиард сўмлик зарар етказилган.

Шу боис улушли қурилишга оид қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда улушли қурилиш лойиҳаларини аниқла ёндашувлар асосида тартибга солиш, фуқаролар маблағларини ҳимоя қилиш ва қурилиш жараёнларида шаффофликни таъминлаш назарда тутилган.

Улушли қурилишни молиялаштиришнинг янги тизими — эскроу ҳисобварақлини механизм ҳам муҳокама қилинди. Бунда харидорлар маблағи ваколатли бандадаги махсус ҳисобварақда сақланади, қурилиш ишлари белгиланган шартлар асосида бажарилгандан кейингина қурувчига ўтказилади.

## ЎЗАРО ИШОНЧ ВА КОНСТРУКТИВ ҲАМКОРЛИК

Учрашув якунида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш халқаро меҳнат стандартларини илгари суртиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Навбатдаги мулоқотлардан бири ХМТнинг Халқаро меҳнат стандартлари департаменти директори Корин Варга билан бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида миллий меҳнат қончилигини халқаро стандартларга мувофиқ янада тақомиллаштириш масалалари, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган конвенциялари бўйича мажбуриятларининг Ўзбекистонда амалга оширилиши жараёнини муҳокама этилди.

Корин Варга мамлакатимизда меҳнат соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижаларини юқори баҳолаб, миллий норматив-ҳуқуқий базани халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини

мустаҳкамлаш бўйича ишлар изчил олиб борилаётганини таъкидлади.

Учрашувда алоҳида эътибор Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларининг бажарилишига ҳамда ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш миллий тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган қўшма «Йўл харитаси»нинг амалга оширилишига қаратилди.

Томонлар ижтимоий-меҳнат соҳасидаги янги халқаро конвенцияларни ратификация қилиш истикболларини, шунингдек, Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги эксперт-техник ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокамадан ўтказди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Халқаро меҳнат ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича мутахассис Роксани Голдберг Питер ван Рой билан ҳам мулоқот олиб берди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, мамлакатимизда меҳнат, бандлик ҳамда ижтимоий ше-

риклик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари муҳокама марказида бўлди.

Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-иқтисодий алоҳида устуворлиқ, меҳнат бозорини ривожлантириш, бандлик сифатини ошириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган қўшма лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий-меҳнат муносабатларини тақомиллаштириш, ижтимоий мулоқот механизмлари мустаҳкамлаш ва халқаро меҳнат стандартларига риоя этилишини таъминлаш борасида барқарор ютуқларга эришилгани айtilди.

Амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини кўтариш мақсадида конструкторлик ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳим экани таъкидланди.

«Халқ сўзи».

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ЭЪТИРОФИ

Женева шахрида бўлиб ўтаётган Халқаро меҳнат конференциясининг 114-сессияси доирасида 12 июнь — Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш куни муносабати билан «Болалар меҳнатига қизил карточка: Мароқашдан амалий ҳаракатларга» мавзюда халқаро тадбир бўлиб ўтди.

### Тадбир

Унда болалар меҳнатини тугатиш, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, муносиб меҳнат тамойилларини кенг жорий этиш ҳамда ушбу йўналишдаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу нуфузли анжуманда иштирок этган 187 та давлат орасида Ўзбекистон делегацияси томонидан меҳнат, ижтимоий ҳимоя ва таълим соҳаларида амалга оширилган ислохотлар натижалари тақдим қилинди. Мамлакатимизда болалар меҳнатининг деярлик тўлиқ барқарор этилгани, бу натижа давлат сийасати, қўшма ижтимоий ҳимоя тизими ва ҳамкорлик самараси сифатида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф қилинди.

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева ўз сўзида болалар меҳнатига барҳам беришга фақат ҳуқуқий тақлиқлар билан эмас, балки уни келтириб чиқарувчи

асосий сабаблар — қашшоқлик, ижтимоий ҳимояга муҳтожликни барқарор этиш, шунингдек, сифатли таълим ва муносиб меҳнат имкониятларини кенгайтириш орқали эришиш мумкинлигини таъкидлади.

Айтилганидек, мамлакат раҳбариятининг қатъий сийёсий иродаси, изчил ислохотлар ва самарали халқаро ҳамкорлик натижасида Ўзбекистонда болалар меҳнатига амалда барҳам берилган ҳамда унинг қайта юзга келишининг олдини олувчи барқарор механизмлар шакллантирилган. Ўз навбатига, мазкур натижаларга эришишда Халқаро меҳнат ташкилоти, иш берувчилар ва касаб ва уюшмалари ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этгани, ХМТнинг тавсиялари изчил амалга оширилгани ургуланди.

Иштирокчилар бугунги кунда дунёда рўй бераётган турли мижозлар, миграция жараёнлари, иқлим ўзгариши ва норасмий бандлик каби омиллар болалар меҳнати хавфини кучайтириб бораётганига эътибор қарати. Шу муносабат билан улар Мароқаш глобал ҳаракатлар дастурининг аҳамиятини алоҳи-

да таъкидлаб, болалар меҳнатини тугатиш йўлида амалий қадамларни кучайтириш зарурлигини қайд этди.

Тадбир доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Халқаро иш берувчилар ташкилоти бош қотиби Роберто Суарес Сантос билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, меҳнат муносабатларини модернизация қилиш ҳамда ижтимоий мулоқот институтларини ривожлантириш борасидаги натижалар хусусида фикр алмашилди.

Халқаро иш берувчилар ташкилоти раҳбари Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий тарққиёти, минтақадаги нуфузи ортиб бораётгани ҳамда меҳнат соҳасидаги ислохотларни изчил давом эттираётганини юқори баҳолади.

Мамлакатимизда иш берувчилар ташкилотларининг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш ва миллий қўнчиликни халқаро стандартлар асосида тақомиллаштириш бўйича техник кўмак кўрсатишга тайёрлик билдирилди.

«Халқ сўзи».

## Сенаторлар — ҳудудларда ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ДОИРАСИДА ЎРГАНИШ ИШЛАРИ НАТИЖАСИ

Олий Мажлис Сенати аъзолари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб аҳолининг турмуш тарзи, муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни ўрганмоқда.

Хусусан, Сенаторлар Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Озмиркул Қозилонова халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутатлари билан биргаликда Фарғона шахридаги 1-ихти-сослаштирилган давлат умумтаълим мактабида олиб борилаётган мукамил таъмирлаш ишлари билан танишди.

Ўрганиш давомида қўямати 12 млрд. сўм бўлган лойиҳа доирасида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларининг бориши, хусусан, синф хоналари ва маъмурий биноларни реконструкция қилиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш ҳамда ўқувчилар учун замонавий ва қулай шарт-шaroитлар яратиш бўйича бажарилаётган ишлар эътибор марказида бўлди. Мазкурларга қурилиш ишларининг сифати, белгиланган муддатларда якунланиши ва амалдаги қурилиш меъёрларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, мактаб ҳудудига «Очиг бюджет» лойиҳаси доирасида барпо қилинган замонавий стадион фаолияти ҳам кўздан кечирилди. Қайд этилганидек, мазкур спорт иншооти ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, турли спорт тadbирлари ва мусобақаларини ўтказиш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Ўрганиш якунида таълим муассасасида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари таълим сифати ҳамда ёшлар учун яратилаётган шарт-шaroитларни янада яхшилашга хизмат қилиши таъкидланди.

## ОЧИҚЛИК ВА САМАРАДОРЛИК — УСТУВОР МЕЗОН

Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши ташаббуси билан туман ва шаҳар Кенгаши раислари, қотибтай мудирилари ҳамда доимий комиссиялар раисларининг йиғилиши ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқ сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова ҳам иштирок этди.

Тадбирда жорий йилнинг дастлабки беш ойи давомида вилаетда маҳаллий Кенгашилар фаолияти доирасида амалга оширилган ишлар атрафлиҳа тахлил қилинди. Хусусан, депутатлик назорати тadbирларини ташкил қилиш,

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқ сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атиязова Қоракалпоғистон Республикасига хизмат сафары давомида Нукус шахри ва қатор туманларда бўлди.

Сенатор аҳолини қўйнаётган муаммоларни ўрганиш, ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳолатини тахлил қилиш ҳамда фуқаролар муножатларини кўриб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Жумладан, аҳоли билан очиг мулоқотлар ўтказилиб, фуқаролар томонидан билдирилган тақлиф ва муаммолар ҳойида ўрганилди. Сенатга келиб тушган муножатлар юзасидан Хўжайли туманида ОПЕК дастури доирасида амалга оширилаётган ичимлик суви тармоқлари ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш ишларининг бориши ўрганилди.

«Нурота» МФЙ ва «Отаяурт» МФЙ ҳудудларида ўтказилган ўрганишлар давомида аҳоли ҳамда мутасадди ташкилотлар вакилларининг фикр-мулоҳазалари тингланиб, кўтарилган масалаларни хал қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, мазкур масалаларни ишчи гуруҳ билан биргаликда қўшимча ўрганиш белгиланди. Аниқланган камчиликларни барқарор этиш ва қурилиш ишларини лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ ташкил қилиш юзасидан масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

Фуқаролар муножатларида кўтарилган ҳар бир масала атрафиҳа ўрганилиб, уларни хал этиш бўйича зарур чоралар қурилиши, берилган топшириқлар ихроси доимий парламент назоратида бўлиши таъкидланди.

Сирчанлигини кучайтириш, аҳоли муножатлари билан ишлаш сифатини яхшилаш ҳамда доимий комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Ийгиликда вилает ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини йўналтириш муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва барқарор этиш, маҳаллий Кенгашилар фаолиятининг очиглиги ва самарадорлигини таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

## КўН ТАРТИБИДА — МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ МУАММОЛАРИ

Кеча Жиззах шахрида Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг ҳудудда миграция соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатига бағишланган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

### Қўшма йиғилиш

Дастлаб Жиззах вилоятида меҳнат миграциясини тартибга солиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, фуқароларни касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш, шунингдек, миграция соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан вилает ҳокимлиги ҳамда Миграция агентлиги ҳудудий бошқармачисининг ахборотлари эшитилди.

Муҳокама давомида меҳнат миграцияси жараёнларини самарали ташкил этиш, фуқароларни касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш сифатини ошириш, хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган ватандошларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хорижда қайтган фуқароларнинг реинтеграциясини таъминлаш ҳамда хусусий бандлик агентликлари фаолияти самарадорлигига эришиш масалаларига алоҳида эътибор қар



